Volume 3, Issue 1,2024

# КИЧИК ҲОВУЗЛАРДА БАЛИҚ ЕТИШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Рахимбоева М.***
*М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти*

Ўзбекистонда балиқ етиштириш табиий кўллар, сув омборлари ва сунъий яратилган кўллар билан бир қаторда, фермер ва шахсий хўжаликлардаги кичик ҳовузларда ва шу каби кичик ҳавзаларда ҳам амалга оширилади. Бу каби ҳавзаларда балиқ етиштиришдан кўзланган асосий мақсад иқтисодий фойда олишга қаратилмаган ва кўпинча ҳаваскор сифатида турли шахсий мақсадларда фойдаланишга қаратилади.

Кичик ҳовузлар одатда қишлоқ шароитида чорва молларини суғориш, чойхоналарни кўркамлаштириш, дам олиш жойларини ташкил этиш мақсадида барпо этилади. Айрим ҳовузлар эса аввалдан мавжуд бўлган захкаш, зовур, ташландиқ кўллар, каръерлар, ботиқликлар ва шу каби қулай жойларни мослаштириш орқали ташкил этилади. Бу каби ҳавзаларда эса асосан балиқ етиштириш йўлга қўйилади.

Қайд этилган кўлларнинг аксариятида одатда балиқ етиштиришга хос бўлган махсус биотехник тадбирлар, жумладан балиқлантириш, балиқларни сунъий озуқлантириш, сувнинг физикавий ва кимёвий таркибини мувофиқлаштириш ва бошқалар амалга оширилмайди. Бу каби кўллар биоценози сув билан келиб қолган гидробионтлар, жумладан балиқлардан таркиб топади [2].

Дастлабки тадқиқотларимиз натижаларига кўра, кичик ҳовузларда зоғора балиқ-Cyprinus carpio (Linnaeus, 1758), дўнг пешона-Hypophthalmichthys molitrix (Valenciennes, 1844), оқ сла-Stizostedion lucioperca (Linnaeus, 1758), лаққа-Silurus glanis (Linnaeus, 1758), оқ амур-Ctenopharyngodon idella (Vallenciennes, 1844), лещ-Parabramis pekinensis (Basilewsky, 1855) каби ов аҳамиятига эга бўлган турлар учраши аниқланди. Улар орасида дўнг пешона ва оқ амур каби турлар доминнтлик қилади. Лаққа ва оқ сла каби йиртқич балиқлар эса аксинча жуда кам сонда учрайди.

Таъкидлаш лозимки, қайд этилган кўлларни ташкил этишда ва уларда балиқ турларини етиштиришда ихтиолог ва гидробиолог олимларнинг тавсиялари ўта муҳим. Хусусий хўжаликларда балиқ боқишда илмий асосланган тавсияларга деярли эътибор қаратилмайди. Бу эса балиқ етиштириш самарадорлигини ўта пасайиб кетишига ёки умуман балиқ олиш имконини чекланишига, сарфланган меҳнатнинг самарасизлиги ва сувнинг исрофланишига сабаб бўлади [1,3].

Ихтиолог ва гидробиолог олимлар ҳовузни қаердан ва қандай чуқурликда қазиш, ҳовуздаги сувни алмаштириб туриш усуллари, сувнинг физикавий ва кимёвий таркиби ҳамда уни мувофиқлаштириш ва шу каби экологик омилларни ҳисобга олган турли тавсиялар бериш орқали бу соҳа ривожида алоҳида ўрин тутишади.

Кейинги йилларда глобал исиш, сув танқислиги масалалари балиқ етиштиришда бир қатор муаммоларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Республикамиздаги асосий сув манбаларининг трансчегаравий хусусиятга эгалиги мазкур масаланинг долзарблигини янада оширади. Шу асосда айтиш мумкинки, ҳавза гидрорежимини мувофиқлаштириб туриш балиқчиликда асосий масалаларидан бири саналади [4].

Ўзбекистонда зовур, захкаш ва умуман қишлоқ хўжалигида фойдаланилган сувлардан шаклланадиган ҳавзаларнинг барчасини эвтроф ҳавзаларга киритиш мумкин. Бундай ҳавзаларда органик моддаларнинг кўплиги уларда сув ўтларининг кучли ривожланишига ва кислород танқислигига сабаб бўлади ва натижада балиқларнинг яшаши учун ноқулай шароит (замор) вужудга келади. Айниқса ёз ойларида ҳароратнинг кўтарилиши ҳамда ҳавзанинг

саёзлиги бу вазиятнинг шаклланиши учун қулайлик яратади ва кўп ҳолларда балиқларнинг қирилиб кетиши кузатилади.

Кичик ҳовузларда балиқ етиштиришдаги яна бир муҳим масала, уларни балиқлантиришдир. Айтиш лозимки, қишлоқ ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилган сувлардан қайта балиқчиликда фойдаланганда самарадорлик нисбатан паст бўлиши аниқланди. Бундай сувлардан ташкил топган ҳовузларга сунъий усулда етиштирилган балиқ чавоқлари ташланганда уларнинг кўпчилиги нобуд бўлиши қайд этилади. Бунинг олдини олиш учун эса чавоқларни шу каби сувларда яшашга иқлимлаштириш зарурати пайдо бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Жадин В.И. Методы гидробиологического исследования. – М.: Высш. шк., 1960. – 191 с.
2. Зиновьев Е.А., Мандрица С.А. Методы исследования пресноводных рыб: Учебное пособие по спецкурсу. – Пермь: Пермский ун-т., 2003. – 113 с.
3. Методические указания по сбору и обработке ихтиологического материала в малых озерах – Л.; ГосНИОРХ, Промрыбвод, 1986. – 65 с.
4. Хакбердиев Б.Х. Рыбы водоёмов Хорезмской области. – Ташкент: Изд-во Фан, 1983. – 112 с.

